



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ**  
**Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада—2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида**

**(Боши 1-бетда)**  
 7. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ, мусобақалар иштирокчилари йўл ҳаражатлари учун имтиёзли тўлов тарифларини қўллашни назарда тутсин.  
 8. Республика «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан биргаликда «Кўёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида университетда машаласини ёқиш ва уни Тошкент шаҳрига етказиш билан боғлиқ барча таш-

килий-хавфсизлик тадбирларини амалга оширсин.  
 9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли ваколатли ташкилотлар билан биргаликда, «Универсиада—2007» мусобақалари давомида тадбирлар ўтадиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.  
 10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Универсиада—2007» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш тавсия этилсин.  
 11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
 2007 йил 16 апрел

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**

**(Боши 1-бетда)**  
 Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳал этилмаган муаммоларга танқидий баҳо берилди, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.  
 Марказий банк раиси Ф.Муллажоновнинг, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парлевнинг, бир қанча ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларида пул параметрлари ва оқимларига риоя қилиш, тўловлар, шу жумладан бюджетта ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар иқтисодиёти мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларида дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолатини яхшилаш бўйича қўрилаган чора-тадбирларнинг самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.  
 Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдига тўланмай қолган қарзларининг, шунингдек, мuddати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзларининг вужудга келишига йўл қўйган «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекисанот» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-ҳолдинг» ҳолдинг компанияси фаолияти танқид қилинди.  
 Мажлисда чигит экиш маъсуми қандай ўтказилаётганлиги ва 2007 йил ҳосили учун кўламги дала ишларини муваффақиятли тугаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар комплексини таъминлаш масалалари, шунингдек, мөва-сабзаот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, кишлоқда бозор инфрақурилишини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири С.Исмоиловнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Қамолонинг, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятлари ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.  
 Мажлисда вазирликлар, идоралар, аграр сектор ҳўжалик бирлашмалари ва аграр сектор тармоқларига хизмат кўрсатувчи идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига барча зарур агротехника ишларини сифатли ўтказиш

**Газетхонлар билан учрашув**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, демократик, ҳўқуқий жамият барпо этиш жараёнида қасаба уюшмалари иштироки ва роли, мазкур ташкилот олдига турган долзарб масалалар, аъзо ташкилотлар барча бўғинлари фаолиятини ёритишда «Ишонч» газетасида муайян тажриба тўпланган. Мехнаткашлар ҳўқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимояси, уларнинг орзу-умидлари, уч томонлама шерикчилик амалиёти масалалари, қасаба уюшмалари ташкилотчилиги фаолиятининг янги шариотдаги ибратли тажрибалари ва муаммоларига бағишлаб кўплаб мақолалар чоп этилмоқда.**

Дунёда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилган. Оқнинг қораси, узуннинг қалтаси, озгиннинг тўласи бўлганидек, ҳеч бир ҳолат у ёки бу томоннинг иштирокисиз бўлмади. Худди шу ақидадан келиб чиққан ҳолда газета саҳифаларида ёритилаётган мақолаларга нисбатан ўқувчиларнинг муносабатларини аниқлаб, шу асосда фаолият кўрсатиш аини муддаодир. Шу мақсадда ижодий ходимларимиз жойларда бўлиб, тармоқ меҳнаткашлари ҳамда қасаба уюшма фаоллари билан давра суҳбатлари ташкил этмоқдалар. Бу ўз навбатида чоп этилаётган мақолаларнинг мундарижасини бойитишга, мавзуси ранг-баранг бўлишига хизмат қилаёпти.



Кўни кеча шундай учрашувлардан бири пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Сезиб турибмиз, беихтиёр бизга ҳавасингиз келганини. Академик шоиримиз Гафур Гулом таърифида келинчак каби хусн оingan бу гўша ҳақида ҳар қанча ҳамду сано оз. Айнан шунинг андишасида гапни муҳтасар қилишни лозим топдик. Унинг ҳудуди 4 минг 930 квадрат километр бўлиб, шундан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ер майдони 12 минг 554 гектарни ташкил этади. Бу ерда ўзбек, қозок, тожик ҳамда бошқа миллатга мансуб кишилар бир оила фарзандидек аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилишапти. Утган йили туманда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш 111.397,4 миллион сўмини ташкил этди.

Айни вақтда туманда 8 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. «Конвин», «Бўстонлиқ-сут», «Голден винг», «Газалкент-мөва» ҳамда «Cast» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Туманининг экспорт салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. Утган йил давомида бу рақам 111,9 минг АҚШ долларини ташкил этди. «Газалкент тошга ишлов бериш комбинати» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти, «Cast» қўшма корхоналари ва шу каби бир қатор корхона, ташкилот ва муассасалар бунга ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

**МЕҲР КЎЗДА**

**Бўстонлиқ туманида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик**

Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

наф ар олий маълумотли шифокор ва 1 минг 95 нафар ўрта тиббий ходимлар аҳолига малакали хизмат кўрсатишапти. Лекин туман марказий шифохонаси ва бошқа даволаш профилактика муассасаларида замонавий лаборатория-диагностика асбоблари, беморлар ҳаётини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган жиҳозлар етарли эмас. Шунга қарамай, туманнинг Сиж-

ра қисм аскарларига турли байрамлар муносабати билан дастурхон ёзибди. Юсуфхона ҳамда Нобод қишлоқларидаги ногиронларга ва кам таъминланган оилаларга озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Тумандаги 39-, 40-, 41- ҳамда 45-сонли ўрта мактабларнинг аълочи ўқувчиларига 2 минг сўмдан, раҳбарларига эса 10 минг сўмдан стипендия берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.  
 Кутилганидек тахририят ходимларининг мушаррийлар билан учрашуви жуда қизгин ўтди.  
 «Ишонч» ва «Ишонч — Довери» газеталарининг бош муҳаррири Абдуҳалиқ Абдуразоқов амалга оширилаётган ишлар, ижодий режалар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.  
 — Ўқувчиларимизнинг фикр-мулоҳазаси биз учун барометр вазифасини ўтайди, — деди у. — Бугунги мулоқотимиз ана шу мақсадга хизмат қилади, албатта.  
 Бозор иқтисодиётининг ҳам ўз қонуниятлари бор. Бу нарса аиники, янги ташкил этилаётган фермер ҳўжаликлари фаолияти билан боғлиқдир. Аини пайтда фермер ҳўжаликларида ишловчиларни қасаба уюшма аъзолигига жалб этиш ва уларга хизмат



қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

қўрсатиш долзарб вазифалардан. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси дейсизми, ишга қабул қилиш, турбий қўриқдан ўтказилганлигини фақат олқишлаш мумкин.  
 Маданият ва спорт тадбирларини муттасил равишда ўтказиш айна тусини олгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Марказий мада-

**Санобар НИШОНОВА** — «Она замин» фермер ҳўжалиги раҳбари — Айрим сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар фермер ҳўжаликларига нисбатан биров ғирромлик қилишмоқда. Масалан, бир қоп минерал ўғит 52 килограмм бўлиши керак. Ваҳоланки икки-уч, ҳатто беш килограммгача кам чиқаяпти.

**Тошкенбой ТЎРАКУЛОВ** — Абай номили агрофирма қасаба уюшма қўмитаси раиси — Азалдан қасаба уюшма ташкилоти деҳқонларнинг таянчи бўлиб келган. Шундай экан, фермер ҳўжалигида ишловчиларнинг барчаси ҳам қасаба уюшма аъзоси эмаслиги мени ажаблантиради.

**Мирзабой АБДУКАРИМОВ** — Бўстонлиқ туман коммунал-қурилиш коллежи қасаба уюшма қўмитаси раиси — Айрим ташкилотлар ходимлари маошининг 20 фоизини пластик қарточкалар орқали олмақда. Бу жуда қўлай эканлигини ҳаётининг ўзи тасдиқламоқда. Лекин банкмактлар урнатилган айрим дўконларда нарх-наво хиёл баланд. Аксинча бўлганида, пластик қарточкаларнинг нуфузи янада ошармиди...

**Ҳалима АЛИМОВА** — Бурчмулла ўрмон ҳўжалиги қасаба уюшма ташкилоти раиси — Менда бир таклиф бор. Обуна нархини ҳозиргидан пасайтириш учун тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома тузилса, дейман. Ана шунда газзета адади ҳам анча ошган, энг муҳими, муштарийлар сони кўпайган бўлар эди.

**Икром ҲАСАНОВ** олган суратлар

**Зайниддин РИХСИЕВ, Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч»нинг махсус муҳбирлари**

Мактабимиз фидойилари



Яккабоғлик Зиёдулла Болтаев бир неча йиллардан буён тумандаги 2-ихтисослашган мактаб-интернат ёшларига математика фанидан дарс беради. Унинг сабоқ бериш йўналиши оддий, бироқ замирида ўқувчини фанга қизиқтириш, ижодкорликни шакллантириш ва дунёқарашини кенгайтириш мўжассам. Масалан, у дарсда ўтиладиган мавзунинг ўзига вазирига қилиб бериб, синфда ёзма ва оғзаки ишлар, математик ринг, семинар, синов-тест усуллари асосида назорат ишини олиб боради.

Хайрулла Тўраев олган сурат

Хар бир инсон меҳнатига муносиб рағбат кўрса, ҳеч бўлмаса, илқ бир гап эшитса ишига меҳр қўйиб, бурчини сидқидилдан бажаради. «Шўрчи-донмақсулотлари» очик турдаги ҳиссодорлик жамиятида ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш раҳбарият ва касабаяушма кўмитасининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида мақсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортиб бормоқда.

Айни вақтда корхонада тайёрланаётган ун ва ун мақсулотлари четга ҳам экспорт қилинмоқда. Қадоклаш қоплари тикиш цехининг очилиши муносабати билан бу ерда ишчи ўринлари 200 тага кўпайди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 100 миң сўмни ташкил этмоқда.

Бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ходимларимизнинг 270 нафари хотин-қизлардир. Ишчи-хизматчиларимизни, айниқса, хотин-қизларимизни ижтимоий ҳимоялаш, уларга иш жойида зарур шароит яратиш чоралари кўрилмоқда. Янги йил, 8-Март, Мустақиллик ва Конституциямиз қабул қилинган кун байрамларида барча ишчи аёлларимизга совға-

Касаба уюшма ҳаёти

саломлар улашамиз. Уларни туғиш таътилига ҳомиладорлигининг 5-ойида чикарамыз. 2 ой учун тўлиқ иш ҳақи корхона ҳисобидан тўланади. Қолган аёлларимиз ҳар кун бошқаларга нисбатан 1 соат барвақт ўйларига кетишади. Лекин тўлиқ иш ҳақи олишади. 200 нафар хўрандага мўлжалланган ошхонада ҳар кун ишчиларга арзонлаштирилган иссиқ

қёсидаги санаторийларга бепул ва имтиёзли йўланмалар олиб берилди. Ходимларимизнинг 150 нафар фарзандлари Олтинсой тоғ тизмаларида жойлашган «Мироб» оромгоҳида бепул дам олдирилди. Ишда алоҳида ўрнат қўрратган ишчи-ходимларимиздан 200 нафари «Самарқанд-Бухоро-Тошкент» шаҳарларига бепул саёхатга олиб борилди. Бунга корхонамиз 11 миллион 700 миң сўм сарфлади, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Юлдуз Норкулова.

Корхона тумандаги 21-мактабнинг кам таъминланган оила фарзандларига мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундай мурувватдан 130 нафар нафақадор, 15 нафар ногирон фуқаро ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган бир гуруҳ илгор ишчиларни ўзлари севган матбуот нашрларига бепул обуна қилиниши ҳам эътиборга молик ишлардандир.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири

КОРХОНА ҲИСОБИДАН ОБУНА

овқат тайёрланади. Узоқ-яқиндан қатнаб ишлайдиганларга қулайлик яратиш мақсадида йўлқира ҳақи тўлаб келаямиз. Турмушга чиқадиган ва уйландиган йигит-қизларимиздан 3 нафарининг никоҳ тўйларини, кам таъминланган ишчи-хизматчиларнинг 19 нафар жажжи ўғилчаларига суннат тўйларини ўтказиб бердик. Ўтган йил давомида 20 миллион сўм моддий ёрдам учун ажратилди. 120 нафар ишчига вилоят ва республика ми-

Қалбингга қулоқ тут

л ол арафасида Болтиқбўйи республикаларида бўлганда, бошқача фикрни эшитдим:

— Узбекистон — Шарқ гўзаали, афсуски, уйқуда эътибди. Уйғонса, оламга ана гўзаллик улашади.

Ха, она Узбекистонимиз бугун тараққиёт йўлида, ўзининг иқтидорли фарзандлари билан ана дунёга донг таратмоқда.

Жами ўн бешта хорижий мамлакатда бўлиди. Қимдир Узбекистон ҳақида фахрланб сўзласа, ана қимдир уни билмаслигини айтди.

миллий истиклол — оғзимиздаги лўқмаи ҳалол. Оғзимиздаги лўқмаи кўп марта олдиридик, энди ана уй бой берадиган бўлсак, бизни бу оламда ҳеч ким назира-писанд қилмайди.

Бугун ўзбек фуқаросининг улқасида мустақиллик ҳуқуқи турган бўлса, иккинчи елкасида мустақиллик бурчи турибди. Демак, елкамизда шайтонга ўрин йўқ. Мана сизга миллий го! Олдиий бу ҳақиқатни англаш учун узоқларга бориб юриш, кўнларини эса матбуотда мактабини ёки ўзгаларнинг асарларидан парчалар келтириш шарт эмас. Қимларид бизга фарбона (ғарибона дегим келайди!) демократияни тиқштиришмоқдами, демак, қимларид бизнинг шарқона демократия, яъни каттага ҳурмат ва кичикка иззат ёқмайоти.

Қаёқлардандир келиб, қандай яшашни ҳам, қандай ишларни ҳам бизга ўргатишларига муҳтож эмасмиз, чунки аждодларимиз бизга ўргатиб кетганлар.

Бугунги кунда бизнинг миллий гоимиз — Узбекистон мустақиллигини мустақамлашдан иборат. Қудратли бу го атрофида метиндек бирлашсак, ҳеч қачон ва ҳеч қимдан кам бўлмаймиз, албатта, ўз мурад-мақсадимизга етамиз.

Пиримқул ДўСТ МУҲАММАД, «Ишонч» мухбири

Иснод

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ОРТИДАГИ ФОЖЕА

Гулистон шаҳрининг «Навбахор» маҳалласида рўй берган фожеа қалбларни ларзага солди. Мухтор Қаҳҳоров тўсатдан ҳаётдан кўз юмди. Уни яхши таниганлар «Ҳа, энди қаричилик» деб қўйишди-ю, касаллик ёки бахтсиз ҳодиса тўғрисида эмас, калтаклаб ўлдирилганини эшитиб, таажубга тушишди. Ҳатто чумолига ҳам озор бермайдиган етмиш ёшли қариянинг умрига нукта қўйиш кимга керак бўлди экан?

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Болтаеванинг судда гувоҳлик беришича, М.Қаҳҳоров гарчи кекса бўлса-да, ҳали тетик ва бардам эди. Ёлғиз яшарди. Қария одамларнинг майда-чуйда ишларини бажариб кунини ўтказарди. Вақти-вақти билан спиртли ичимликларни истеъмол қилиб турса-да, бирова зарари тегмасди.

Қария кўнларнинг бирини раиси Гулнора Болтаеванинг судда гувоҳлик беришича, М.Қаҳҳоров гарчи кекса бўлса-да, ҳали тетик ва бардам эди. Ёлғиз яшарди. Қария одамларнинг майда-чуйда ишларини бажариб кунини ўтказарди. Вақти-вақти билан спиртли ичимликларни истеъмол қилиб турса-да, бирова зарари тегмасди.

Қария кўнларнинг бирини раиси Гулнора Болтаеванинг судда гувоҳлик беришича, М.Қаҳҳоров гарчи кекса бўлса-да, ҳали тетик ва бардам эди. Ёлғиз яшарди. Қария одамларнинг майда-чуйда ишларини бажариб кунини ўтказарди. Вақти-вақти билан спиртли ичимликларни истеъмол қилиб турса-да, бирова зарари тегмасди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

«ШАЙТОН СУВИ»НИ ИЧИБ...

Хушу шодон кўнлар шинонса сифатида гоҳи ичимлик истеъмол қилишга мойиллигини бор гап. Бироқ у мезбўрдан ортиб кетса, донони ҳам наодон қилиб юбориши айни ҳақиқатдир. Зеро, мастлик — руҳий улғуворликдан видолашув билан баробар.

Учқудуқ туманидаги темирўйла тепловоз машинисти бўлиб ишловчи Жўра Аҳатов — қўлғул мутахассис. Гулдек оиласи бор, шириншакар фарзандлар отаси. Аммо Жўравий жўравозликни ароқ мўқдор билан чамалайдиганлар хилидан чиқиб қолди. Ишдан бўшайди дегунча оиласи бағрига эмас, шашадеш улфатлари даврасида бўлишни хуш кўради. Уша кунни ҳам қадронли Хасан Ёрқулов билан ишдан чиқшигач, «бир микириш» пайга тушадилар. Ўрганган кўнги дарвати билан бир шаша ароқ, газак харид қилишга, Хасанбой яшайдиган ётоқхонага келишди. Мезбўнго хонадosh бўлган икки нафар йигит ҳам шу ерда эканлар. Улфати чор давраси учун яримта нима бўларди? Бир оз қизишгач, яна икки шаша ароқ дастурхонга тортиди.

Кетма-кет, оч қоринга сипқорилган ичимлик таналарга оғу каби тарқалиб борарди. Бора-бора у «қаромати»чи намойиш этишга киришди. Натижада Хасан билан Жўранинг бир-бирларига гаплари ёқмай, муомала неғарасидан чиқа бошладилар. Қўллар

муштага айланиб, ёқавайронликка етиб боришди. Бу орада хонадон соҳибни Хасаннинг қўлига қайдандир ошхона пичоғи тушиб қолсами. Буни кўрган Жўра бор кучини тўллаб, ўзини ҳимоя қилишга киришди. Пичоқни тортиб олиб, Хасаннинг бўйига урди. Иккинчи зарба эса қонга беланган йигитни полга юзтубан йиқитди.

Оқибатда, Хасан Ёрқулов ҳаёт билан видолашди. Жўра Аҳатовнинг кайфи тарқаб, ўз қимилларидан афсус-надомат чекиб турган пшаймонини онда эса ичуга биланга темир кишан солинган эди. Энди у қайтарилмас ёшлик умрининг 12 йиллини темир панжаралар ортида ўтказишга мажбур.

Толлибой ТУРДИМОВ, Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Президентимизнинг «Миллий го тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори гоята долзарблиги билан бугунги куннинг кўплаб муаммоларига жавоб беради. Уни ўқиб, ҳозирги замоннинг жумбоқларига ечимлар топгандай бўламан. Олдимизга қўйилган миллий го тарғиботи, агар таъбир жоиз бўлса, мустақиллик учун ҳаёт-мамат масаласи эмасми? Ҳаёт-мамат масаласи эса — юрт тинчлиги, мустақил Ватан равақи ва халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Бунга қандай эришиш мумкин?

Тарих — сабоқ. Афросиёб ҳасоратини эслайлик. Мулки Турон босқинчи ҳукмида эди. Туркий ҳокон Алп Эр Тўнга, яъни Афросиёб эл-юртини озод этишни отасидан васият қилиб олган эди. Аҳли дониш билан суҳбат қурди: бахшиларни халқ орасига йўллади, эл-улусда Ватан тўғриси уйғотди. Хонандалар тўйларда озодлик ҳақида қўшиқлар куйлаб, мазлум халқни эрк учун курашга чорлади. Натижасидан эса ҳамма хабардор: Турон зулмдан озод бўлди.

Го — стратегия, яъни ижтимоий ва сиёсий курашни бошқариш санъати. Мафкура эса тактика, яъни маънавий ва маърифат билан куралишни, сайқалланиб, гоини рўёбга чиқариш усуллари — амалийдир. Демак, го — мақсад, мафкура эса унга эришиш воситасидир.

Голяр турлича бўлади: вайронкор ва бунёдкор, аникроқ айтадган, бузувчи ва тузувчи, ёвуз ва эзгу голяр. Қайси бирини танлаш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Демак, миллий го тарғиботи, бу — одамлар қалби учун курашдир. Шунинг учун ҳам зиёиллар, барча шоиру ёзувчилар,

этилган қалб ҳамиша инсонга тўғри йўл кўрсатади. Кўриниб турибдики, миллий истиклол гоини рўёбга чиқариш аввало қалб тарбиясига бориб тақалади. Демак, турли диний ақидалар оқимлар, диний-экстремистик ташкилотлар муқаддас ислом динини никоҳ қилиб, ҳали қалби гўр, онги шаклланиб улғурмаган, тахрибасиз ёшларни ўз тузоғига беҳуда илтиришмапти, ўзларининг ифлос, ёвуз ниятларини амалга оширишда улардан фойдаланишга беҳуда уринишмапти.

Дунёда энг катта бахт, бу — зиёили бўлиб яшашдир. Диний ақидаларатан қаер-

дан қички ва улар қимлар? Саводсизлар! Саводсиз одам эса зиёили саналайди. Битта мисол. Қишлоқдан чиққан йигит Тошкент Техника университетини тамамлаб, олий маълумотли муҳандис касбини эгаллаб қайтди. Қишлоқда эса электр тез-тез ўчиб туради. Навқирон муҳандис ўзи ўсиб унган ва воғат етган ховлидан оқиб турган ариқча кичик электр станциясини ўрнатди. Қишлоқнинг бошқа ховлилари зулматга чўмганда унинг ховлиси доимо ёруғ бўлиб турганини кўрган диний ақидаларатан ҳалиги йигитнинг отасига деди:

— Таксир, ўлгингиз шайтон измига кирибди, уни буй-

йўдан қайтариш керак. Иختирочи йигитнинг отаси зиёили киши эди, дилидаги гани тилига чиқариб, ақидаларатан эътироз билдирди:

— Агарда кашфиётчилик — яратувчилик шайтоннинг иши бўлса, ўзлари нега «Нексия»да юрибдилар?

Демоқимизки, Президентимизнинг «Миллий го тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори зиёили бўлишга, ҳар ким аввало ўз қалбини тарбия қилишга қалбатди. Зиёилиликка эса миллий го ва маънавий ҳамда маърифатсиз эришиб бўлмайди.

Истиқлолдан муқаддам

МИЛЛИЙ ГОЯ - БИЗНИНГ ГОЯ

Зеро, Бекмирза акадай одам бунча ноҳис, ношарий ишлардан доимо етти қадам нарида юриши, бошқалар-ку, майли, фарзандларига ҳам оиддай равшан... На Тоҳир Севарага бу ҳақда оғиз очадиган на Севара акасининг ўз ич-этини егани қоялпти, холос.

Мингчинор илгари жуда баҳаво жой эди. Шаҳардан анча олис эса-да, гавжум. Қўзлаб чинорларнинг улкан шохлари тангадай офтоб нурини ҳам тўсиб ётадиган салқин, шинам чойхоналарга бой бу маскан улфатчилик учун жуда боп эди. Бог пастиди Шаҳрихонсой шарқираб оқар, сой ёқалари доим чўмилиувчилар билан гавжум бўларди. Кейинги йилларда шаҳардан узоқлиги боис бу ернинг ишқибозлари сафи сийрақлашган, аммо барибир Мингчинор ҳали файзини йўқотмаган эди.

Тоҳирнинг тўрт-беш нафар синнаша улфатлари бор, уларнинг даярли барчаси савдо ходими. Биргина Абдурашид божхона тизимида ишлайди. Қалин чинорлар соясидида сўрига жой тўшлаб, савдогарларнинг ширин суҳбатига ярашган дастурхон тузалган эди. Улфатлар лўла болишларни бикингига тираб, ёнбошлаганларича ичкиликка ўзларини уришди. Аския, қий-чув, қаҳқаҳа... Бир-икки соатда улфатлар роса мароминга етдилар. Ким гапирган, ким бунни уққан — ҳеч кимиса фарқига етмайди. Тоҳир, «бироз айланиб, бошини жойига келтириб қайтай», деганича ўрнидан турди.

— Тўхта, бирга айланамиз! — дея ётган жойидан кўзгалди Абдурашид. — Бир йўла ошдан ҳам хабар олайлик-чи...

Икки дўст суҳбат қурганларича, сой ёқалари юриб қўйганларини сезмай қолдишди. Сой соҳилдаги улкан қоратоллар шундоқ сувга бош ағиб ётган жойдан аёл кишининг жонон кулгуси эшитилди.

— Аёллар бор экан, ортага қайтайлик, — деди Тоҳир. — Нима бўпти? — дея беги-

Боши ўтган сонларда.

сандлик билан гапирди Абдурашид. — Ўтиб кетаверамиз...

Қоратоллар тағига қизил атлас тўшаклар тўшалган. Ўртада дастурхон... Бир эркак ва бир аёл чўмилиш кийимиди суҳбат қилиб ётишди.

— Йе! Тўхта, Секин... Секин ортага юр... — деди ҳаяжонланиб Абдурашид. — Ҳа, нима бўлди?! — Бу... Бизда... Управлениядо ишлайдиган Солиҳа опа-ку... Кўй, кўзи тушмасин...

Шундай дея Абдурашид Тоҳирнинг қўлидан тортиди. Аммо, Тоҳир миҳлангандай жойида котиб қолган эди. «Управлениядо ишлайдиган Солиҳа опа ёнида Тоҳир не кўз билан кўрсин-ки... ўз отаси ётарди! У бир зумда ўзига келди ва ранги оқариб орта ташланди.

— Юр! Кетдик! Бу орада Абдурашид ҳам Бекмирза акани таниб улғурганди. Бироқ йигитнинг мияси яшин тэзгилида ишлади ва ўзини Тоҳирнинг отасини кўрмаганга солди.

Тоҳир тез-тез юриб ош пиширилаётган ўчоқлар олдига келди ва Абдурашидга қараб: — Абдурашид! Менинг зарур ишим чиқиб қолди! Кетдим — деди-ю, унинг жавобини кутмаёқ машинаси томон йўналди.

Абдурашид ҳам унга осилиб ўтирмади... Тоҳирнинг феъл-атворида онасидан шундоқ ўтган жиҳатлар мўл эди... Хусусан, бирор масала юзасидан хулоса чиқаришда... Эртаси кун кечки пайт у Абдурашиднинг олдига борди.

— Кеча кўрдинг-у, огайини... Даданим танидиган ҳам... Айт-чи, у аёл ким эди? — Мен яхши танимайман, — дея мингирлади Абдурашид. — Лекин икки-уч йилдан буён управлениядо ишлайди.

— Уйил болча гапир, Рашид! Неча йиллик огайинимиз, ахир! Бу хотинча гийбат деб ўйлансанг мўл эди... Икки йилдан буён оиламизда ҳужм сураётган нотинчликнинг сабаби ҳам шу аёл!

— Ростми, мен бу аёлни яхши билмайман, — дея мингирлади давом этди Абдурашид. — Отанг билан эса кеча биринчи марта

иikki севишган қалб муносабатларини яширишдан ҳам мушкул иши ҳам бўлади. Бу муносабатларга сомон тағидида қўғдай олдинга билинар-билинмас тўтун чиқариб туради. Кейин тўтун қулоқланиб, сомон остидаги иссиқ кунчади. Агар шундай пайтларда ўт олаётган сомон тўдасига сув сегилиб, фалокатнинг олди олинмаса, кейин кеч бўлади... Солиҳанинг онаси бунга яхши тушунарди. Аммо бирор чора қўришга иложсиз эди. Шундай кўнларнинг бирини кейинги

жудаям яхши! — Солиҳа шарақлаб қолди ва ёш боладий онасининг буйнидан қулоқлаб, юзларидан қўл-чўп ўпди.

— Вой, Солиҳа! Қўйвор дейчкан, қўйвор! — дея қизининг қуноғида тилпирчилди она, — жинни бўлсан! Жинни!

У ўрнидан туриб, Солиҳадан нарироқдаги стулга бориб ўтирди. Солиҳа мақтов эшитган кеч қизчадай тўйиб-тўйиб, яйраб қўларди.

— Солиҳа! Қулоқ сол менга! Бас қилгин энди тўхум қўйган то-

пайтларда Солиҳанинг шўр нарсаларни кўпроқ тановул қилатаётгани эътибор берди-ю, юраги шувиллаб кетди. Наҳотки...

Кампир бир кеч, Камолдиннинг ухлагандан сўнг телевизор кўриб ўтирган қизига яқинлашди-да, унинг ҳали оқ ораламаган, майин сочларини силди.

— Ҳа, аяжон, — дея онасини қоқсуяқ кўллариини ушлади Солиҳа, — тинчликми?

— Бизда тинчлик, қизим, тинчлик, — дея қизи ёнидаги креслога қўқди Машҳура ая, — ўзингда-чи?

— Ҳаммаси яхши! Аяжон! Ҳатто

тайинсиз, шионсиз никоҳдан болса орттириб! Бу гапни сенга мен айтмасам ким айтди, ахир... Солиҳа бирдан жиддий тортиди. Ўрнидан туриб сочларини тартибга келтирган бўлди-да, дераза ёнига борди. Шаҳар узра юлдузлар чарақлайди. Кўчаларда ҳаракат сийрақ. Қўп қаватли уйларнинг аксариятида чироклар ўнган...

Онаси тўғри айтпти. Ҳозирги вазирига, ишлаб турган жойи, жамиятдаги маквеига сира-сира тўғри келмайди бу иши. Уша-бўйида бўлганлигини сезган кундан буён юраги қарама-қарши



пайтларда Солиҳанинг шўр нарсаларни кўпроқ тановул қилатаётгани эътибор берди-ю, юраги шувиллаб кетди. Наҳотки... Кампир бир кеч, Камолдиннинг ухлагандан сўнг телевизор кўриб ўтирган қизига яқинлашди-да, унинг ҳали оқ ораламаган, майин сочларини силди. — Ҳа, аяжон, — дея онасини қоқсуяқ кўллариини ушлади Солиҳа, — тинчликми? — Бизда тинчлик, қизим, тинчлик, — дея қизи ёнидаги креслога қўқди Машҳура ая, — ўзингда-чи? — Ҳаммаси яхши! Аяжон! Ҳатто

тўйгулар талошида ўртанади. Албатта, ҳозир ўтган аср эмас. Шарт-шароитлар бошқача. Одамлар бир мунча эркин яшашга ўрганишган. Лекин бола туғилса, унинг отаси қимлиги, ўртадаги муносабатлар — барча-барчасини очиб ташлашга тўғри келади. Бекмирзанинг оиласи, қариндош-уруғи, Солиҳанинг қариндошлари бу ўта нозик ишга қандай муносабат билдиришларининг ўзи бир олам. Аммо масаланинг иккинчи томони — жамиятнинг бу воқеага баҳо бериш ҳодисаси ўта муҳим! Бекмирзанин-ку жиловлайдиган, юриштиришга баҳо берадиган идораси йўқ.

Аммо Солиҳа жиддий идоранинг масъул ходими. Унинг бу иши албатта баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади...

Ишдан кетиши анки! Хали Бекмирза бу сирдан воқиф эмас. У нима деркин? У албатта боланинг туғилиши тарафдори бўлади! Солиҳанинг кўнлида уни бирор бошқа қарорга келиши ҳақида заррача ҳам шубҳа йўқ. Агарда Бекмирзага билдирмай...

Йўқ, йўқ, у билсан, ўзи бир қарорга келсин. Кейин Солиҳа бирор ечимга тўхтайд...

— Бекмирза ака билмайдилар ҳозир... Бу... Бу ишни, — деди аясига ўғрилиб Солиҳа, — Бир маслаҳатлашиб кўрайлик-чи...

— Бекмирза, Бекмирза — тўнгилади Машҳура ая, — Ростини айтсам, ҳамон ёқтирмайман кувёнгини... Майли, қўнглинг шу одамни хохлабди. Сен энди ёш қизча эмассан. Иختиринг ўзингда... Аммо, болани... Йўқ қил! Яхшилик олиб келмайди у сенга!

Кейинги пайтларда дўконлардан келаятган даромаднинг баррақаси учди. Айниқса, Тоҳир бошқараятган дўкон даярли фойда юлдузлар чарақлайди. Кўчаларда ҳаракат сийрақ. Қўп қаватли уйларнинг аксариятида чироклар ўнган...

Онаси тўғри айтпти. Ҳозирги вазирига, ишлаб турган жойи, жамиятдаги маквеига сира-сира тўғри келмайди бу иши. Уша-бўйида бўлганлигини сезган кундан буён юраги қарама-қарши

тўйгулар талошида ўртанади. Албатта, ҳозир ўтган аср эмас. Шарт-шароитлар бошқача. Одамлар бир мунча эркин яшашга ўрганишган. Лекин бола туғилса, унинг отаси қимлиги, ўртадаги муносабатлар — барча-барчасини очиб ташлашга тўғри келади. Бекмирзанинг оиласи, қариндош-уруғи, Солиҳанинг қариндошлари бу ўта нозик ишга қандай муносабат билдиришларининг ўзи бир олам. Аммо масаланинг иккинчи томони — жамиятнинг бу воқеага баҳо бериш ҳодисаси ўта муҳим! Бекмирзанин-ку жиловлайдиган, юриштиришга баҳо берадиган идораси йўқ.

Аммо Солиҳа жиддий идоранинг масъул ходими. Унинг бу иши албатта баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади...

Ишдан кетиши анки! Хали Бекмирза бу сирдан воқиф эмас. У нима деркин? У албатта боланинг туғилиши тарафдори бўлади! Солиҳанинг кўнлида уни бирор бошқа қарорга келиши ҳақида заррача ҳам шубҳа йўқ. Агарда Бекмирзага билдирмай...

Йўқ, йўқ, у билсан, ўзи бир қарорга келсин. Кейин Солиҳа бирор ечимга тўхтайд...

— Бекмирза ака билмайдилар ҳозир... Бу... Бу ишни, — деди аясига ўғрилиб Солиҳа, — Бир маслаҳатлашиб кўрайлик-чи... — Бекмирза, Бекмирза — тўнгилади Машҳура ая, — Ростини айтсам, ҳамон ёқтирмайман

# МУЗЕЙЛАР ФЕСТИВАЛИ

Буюк Ипак йўлида жойлашган Маргилон шаҳрида айни кунларда катта тўйга тарадуд кўрилмақда. Шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан бу ерда кўплаб тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар Академияси, Республика «Ўзбекмезей» жамғармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Ўзбекистон музейлари фестивали» ҳам ана шу тадбирлар сирасига киради. Унда Қорақалпоғистон ҳамда барча вилоятлардаги музейлар ўз кўргазмалари билан иштирок этишди. Улардан юртимизнинг энг қадимий даврлардан бошлаб то ҳозирги кунларгача бўлган бой тарихидан ҳикоя қилувчи нобъ экспонатлар ўрин олди. Фестивалда музейлар

«Ўзбекистон тарихига оид энг нобъ экспонат эгаси», «Фарғона водийси тарихи энг чуқур ёритилган экспозиция», «Маргилон тарихини тўлиқ ёритган музей» сингари номинациялар бўйича беллашдилар.

Мазкур фестивалда намойиш этилган экспонатлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Темирийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейларининг кўргазмалари барчага манзур бўлди. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг Маргилон шаҳри тарихига доир нобъ топилмалари кўргазмада илк мартаба намойиш этилди.

**М. ҚОДИРОВ**  
(Ўза) олган сурат.



## 19 апрел — Ўзбекистон Давлат санъат музейи ташкил топган кун

# МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Халқимизда «Минг марта эшитгандан бир бора кўрган яхши», деган ибратли нақл бор. Марҳум устоз санъаткор Ҳалима Носированинг бир учрашувда «Уйда ўтириб радио, телевизор орқали ҳамма кўшиқчиларнинг санъатидан баҳраманд бўлиш мумкин. Лекин у кишига жонли ижроачилик завқ бермайди. Шунинг учун санъат даргоҳларига тез-тез бориб туринглар», дегани ҳамон эсимда.

Завқланиш нима ўзи? Каминга ихтисослигим бўйича аслида театршуносман. 1966 йили Тошкентда юз берган зилзиланинг оқибатини бартараф этиш учун биз бир гуруҳ талабалар (ҳозирги Санъат институтида ўқирдим)ни Ўзбекистон Давлат санъат музейини кўчиришда ёрдамлаштиришга юборишган эди. Музейнинг экспонатларини кўлма-кўл таништирдик, ҳайратимиз ошарди. Расм, ҳайкал, амалий санъат турларига маҳли бўлиб, сирэ чарчамасдик.

Шу ҳавас туйғайли бўлса керак, институти битирган, санъатнинг бошқа тури бўйича мутахассис бўлсамда, мазкур музейда ишлаб кетдим. Музейшунослик соҳасига кириб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолдиман. Инсоннинг келажакда ким бўлиб етишиши бирор соҳани ақидан танишидан бошлангичида шунда амин бўлганман.

Музейни ҳеч иккиланмай маънавият ўчоги, дархона дейиш мумкин. Ўзбекистон Давлат санъат музейи ўзининг юксак мақомига эришди. 1974 йилда қурилган. Фақат ташқи ҳашамдорлигига эътибор берилиб, ички қурилиш сифатсиз амалга оширилганлиги боис 1988 йилдан кейин бино қаттиқ шикастланди. У бир неча марта тавмирланди, ниҳоят Насиба Иброҳимова раҳбар бўлиб келган, деярли қайтадан барпо этилди. Афсуски, кейинги йилларда музей ишлари бир мунча бўшашиб, кўп бўлимларда мутахассис кадрлар етишмаслиги ҳолати вужудга келган эди. Унга ўз вақтида эътибор қаратилганлиги туйғайли вазият яхши томонга ўзгармоқда.

Келаси йил музей ташкил топганига 90 йил тўлади. Янги раҳбар Қудратилла Аҳиметов билан суҳбатлашганимизда, ушбу санага катта тайёргарлик қўйилганлигини маълум қилди. Шунингдек, музейга томошабинларни кенг жалб қилиш мақсадида тарғибот ишлари кўчатирилганлигини алоҳида таъкидлади. Истик-

лол йилларида музей кўргазмаси кўпгина нобъ ҳайкал, рангтавсир ва амалий санъат намуналари билан бойиди. Мустақиллик унинг фаолиятига кенг йўл очди. Фақат ана шу имкониятдан умумий фойдаланиш музей нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Фарзандларимизнинг жамоат транспортларида театр, кинотеатр, цирк ва бошқа томошабоин кетатганига кўп бора гувоҳ бўламиз. Лекин «музейга бораёلمан», деган болани учратмаймиш. Бундан шу нарса кўринадики, музейлар мутасаддилари ўз ишига бефарқ муносабатда бўлишмоқда. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ёш авлоднинг маънавий онг даражасини ўстиришда локайдликка йўл қўймаслигимиз, астойдил кун куйдиришимиз лозим. Фирқимча, мактаб ўқувчиларини тез-тез музейларга олиб борсак, улар қайсида гўзалликка ҳавас уйғотган бўламиз. Биламики, гўзаллиқнинг севган инсон ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди.

Халқ ҳаётини санъатсиз тасаввур қилиш мушкул. Кўпгина ихлосмандлар учун Санъат музейи қадрдон масканга айланган. Унинг жаҳон санъати тарғиботчи сифатидаги хизмати бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ушбу маскандаги фидойий инсонлар меҳнати самарасидир.

**Маҳмуд АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

## Бохорода болалар спортининг оммавийлашувиغا эътибор тобора кучайиб бормоқда. Буни биргина Жондор тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан уч ой илгари Далмун кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида «Истиклол» спорт мажмуаси қурилиб ишга туширилди. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мажмуада барча имкониятлар яратилган бўлиб, ювенил, кийиниш, тиббиёт хоналари, спорт, гимнастика заллари, теннис корти, футбол, қўл тўпи, волейбол майдонлари, югуриш йўлаклари мавжуд. Бу иншоотни қуриш учун маҳаллий бюджетдан 175 миллион сўм, ҳомиёлар ва тадбиркорлар томонидан 125 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳозирги кунда ушбу спорт мажмуасида 22 нафар олий маълумотли мутахассис-мураббийлар фаолият кўрсатмоқда.

— Бизда волейбол, қўл тўпи, бадий гимнастика, футбол, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, шахматшакл, баскетбол тўғарак-

лари ташкил этилган бўлиб, машғулотларда 246 нафар ўқувчи-ёшлар мунтазам иштирок этмоқда, — дейди мажмуа директори Дўстмурод

# ЭЪТИБОР БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

Саматов. — Шугулланувчиларнинг юзга яқинини қизлар ташкил этади.

Тумандаги «Фарҳод», «Охшиқ», «Бўстон» спорт мажмуалари, 16-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 48 та мактаб, 3 та мактаб-интернатда тўғаракларнинг мунтазам ишлаши ёшларни соғломлаштиришда жуда ҳақ келмоқда.

«Умид ниҳоллари» мусобақаларининг 5—8-синф

## Болалар спорти

ўқувчилари иштирок этган вилоят босқичида туман ёшлари фаол қатнашиб, гимнастика, қўл тўпи, кураш ва бошқа айрим турлар бўйича

ўтказдик, — дейди Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгашининг Жондор тумани бўйича вакили Ж.Ашуров. — Наврўз байрамига бағишлаб эркаклар волейбол жамоаларининг туман биринчилиги ҳам гоят қизиқарли ўтди. Фолиблар қасаба уюшмасининг совгалари билан тақдирланди.

Жондорлик ёшлар халққаро доирада ҳам ўзларини кўрсатмоқдалар. Яқинда Буюк Британияда Ислам Каримов халққаро кураш турнирида иштирок этган 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Уткир Эгамов олтин медалга сазовор бўлди. Уткирнинг бу муваффақияти минглаб ёшларни спорт билан янада кўпроқ шугулланишга ундамоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**  
«Ишонч» мухбири

# Қадрият ДОНО МОМО ЎГИТЛАРИ

Қарши-Ғузор йўлининг ёнгинасида жойлашган, Тоҳир ва Зухра ёдгорлигидан унча узоқ бўлмаган Хонобод қишлоғининг таърифи мамлакатга ёйилган. Бу қадимий мавзеда уч аср билан юзлашган, ҳаётнинг сиру синоатларини бошидан кечирган Доно момо Қаҳҳорова шайди. Бир юз беш ёшли момонинг исми жисмига монанд. Сўзлари доно, ўзи тетик ва бардам. Қирчиллама йигирма олти ёшида умр йўлдошидан ажралган табаррук онахон тўрт фарзандини оқ ювиб, оқ тараб воёга етказди. Ўтгизинчи йиллар қатагонларини, иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларини бошидан ўтказди.

— Аллоҳа беадад шукр, юртимиз истиқлолга эришган бахтиёр кунларнинг гувоҳи бўлдим, — дейди онахон мамнуният билан. — Уғил-қизларим, неваро-чевараларим, қишлоқдошларимга тўғри юр-юрганинг тоза бўлсин, одамларга нафиган тегсин, деганим-деган.

Мухтарам момони вилоят ва туман раҳбарлари, қишлоқ кайиновлари тез-тез йўқлаб, дусини олиб туришди. Невара-чевараларини, эвараларни келса, нафақат ҳовлиси, балки бағри тўлади, қувончдан дили яйрайди, масрур онлардан шукроналик хисларини туйди.

— Қашқадарёда ош мингдан ортиқ оила давлат дастури доирасида ижтимоий ҳимояга олинган, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бўшқармаси бошлиғи Азамат Гавашов. — Хар бир оилга ҳомиёлар биржитилган. Жорий йилда ижтимоий ҳимояга давлат бюджетидан 19 миллиард 769 миллион, ҳомий ташкилотлар томонидан 14 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

— Меҳр-муруват улашиш ўзбекона фазилатларимизнинг энг юксакидир, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Я.Иноатов. — Юздан зиёд уч асрининг гувоҳи бўлган қариялар, мингдан ортиқ 80-90 ёшли отахон онахонларга алоҳида ғамуғури қўрсатил-япти. Яқинда Қарши шаҳар ҳокимлиги сай-ҳаракати билан 17 нафар юз ёшдан ошган кексалар ҳолидан хабар олиниб, қўнгил сўралди.

Чироқ тунни ёритганидек, меҳр нури ҳам кўнгилларни мунававр этади. Саховат бор жойда барака бўлади. Яқинда Миришкор туманида 20 болани суннат тўйи ўтказилиб, хар бирига банкда 100 миң сўмдан пул қўйилди, кам таъбиркорлар томонидан 82 бош қорамол, 100 бош қўй тарқатилганлиги, 10 миллион сўмлик моддий ёрдам қўрсатилганлиги амалга оширилган хайрли ишларнинг деб-басқисидир.

— Қийналгани қўллаган савобга қолади, — дейди кўп фарзандли оила бошлиғи Сирожиддин Жовлиев қувонч билан. — Бундан бунён болаларимиз хар тонг сержаймоқ сўт ичади. Олийҳимоят фермер Ашур Шариповнинг сажийлиги билан соғин сийғили бўлди.

Вилоятда кам таъминланган оилаларга бепул чорва моллари бериш аниқланаётган. Бултур ҳомиёлар саховати билан чорва моли бўлмаган 2647 хонадон сийғили бўлган эди. Бу йил эса воҳа

бўйича 4250 оилга сийғир олиб бериш мўлжалланган. Яқинда Қасби туманининг қишлоқларида яшовчи 150 дан зиёд оилга чорва моллари топширилди.

Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида «Бобол ота» ҳусусий чорвачилик фермаси раиси Фарҳод Боболов Қийқич қишлоғида истиқомат қилувчи Сўлтунмурод Шомуродов қўлга зотли говмишини тутар экан, илҳо мол-ҳолинг қўлайиб, рўзгоринга барака кирсин, дея яхши ният билдириди. Бундай саховатешалар ҳиммати туйғайли олис Муборак ва Чироқчи, тоғли Деҳқонбод, Яқкабоб ва Китоб туманларида мингдан ортиқ оилга сийғир тарқатилди.

Мухтожларга ёрдам қўрсатиш тотувлик ва бирдамлик намунаси. Яқдиллик бор элдан фаровонлик аримайди. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган «Мунобақнефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари Шермат Шамсиев ва қасаба уюшма кўмитаси раиси Шарофхон Раҳматовнинг сай-ҳаракати билан ходимлар фарзандларидан 50 нафарининг суннат тўйи катта тантана билан ўтди. Болаларга бош-оёқ сарпо қийдирилиб, хар бирининг ҳисобига пул қўйилди.

— Раҳбарият ва қасабақўнда миннатдоримиз, — дейди меҳнат фахрийси Турсун ота Ташев. — Жамоамизда меҳнат қилаётган ва ишлаб кетган кишиларни эътибордан четда қолдирмайди.

Корхона ҳомиёллиғидида 5 «Меҳрибонлик уйи»нинг 93 нафар тарбияланувчиси учун банкда ҳисоб рақами очилиб, хар бирига 100 миң сўмдан пул қўйилди. Бундан ташқари, туманда яшовчи ноғиронларнинг 20 нафарига ноғиронлик аравачаси тарқатилганлиги, қорхонада ишлаётган 275 нафар хотин-қизга олти ойлик иш ҳақи миқдоридида муқофот, 110 нафар нафақадари аёлларнинг хар қайси-сига 50 миң сўмдан пул берилганлиги чинакам ғам-ҳўрлик дейиш мумкин.

Яхшилик ёдуси инсон қалбига она сўти билан қиради. Асл муддаси эзгулик бўлган боқий аниқлар савобга чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Иззат ҲИҚМАТОВ,**  
«Ишонч» мухбири

## Футбол. Олий лига «МАШЪАЛ» ЎЗ УЙИДА ЮТҚАЗДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига 5-тур учрашуваридида пешқадамлар ўз ҳисобларига навбатдаги оқчаларини қўшиб қўйишди. Фақатгина Қашқадарёнинг «Машъал» ва «Насаф» клублари бундан мустасно. Яъни, жанубликлар бу турда мағлубият аламини торттиб қўришди.

**Натижалар билан танишинг:**

Вобкент — Шўртан — 0:4,  
Металлург — Андижон — 1:1,  
Трактор — Насаф — 3:1,  
Машъал — Қурувчи — 0:1,  
Кизилқум — Тўпаланг — 3:0,  
Навбахор — Бухоро — 2:1,  
Самарқанд-Д — Пахтакор — 0:1,  
Локомотив — Нефтчи — 1:3.

## Профи-бокс ҚАҲРАМОННИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг Николай Валуев устида қозongan ғалабаси суҳбатларимизнинг асосий мавзусига айланган. Юраклар ифтихор туйғусига тўла. Яқинда яна бир профессионал боксчимиз, WBO бокс ташкилотининг «Интерконтинентал» чемпионлик камари соҳибига Қаҳрамон Орзиқўлов Москва шаҳрида ўз увнонини ҳимоя қилиш учун таиландлик Сайрунг Савансил рингга чиқди. Қаҳрамон жангда чин маънода қаҳрамонлик кўрсатди. У биринчи раунднинг 56-сониясида рақибига қучли зарба берди ва Сайрунг нокаут ҳолатида! Камар саклаб қолди.

Яна бир ҳамюртимиз Алишер Раҳимовнинг россиялик боксчи Юрий Романович билан жанги эса май ойига қолдирилди.

**Акмал АБДИЕВ**

## Тадбир ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ақлий меҳнат билан шугулланувчи касб эгалари сирасига кирувчи ўқитувчилар ҳаётида жисмоний тарбия ва спорт билан машғул бўлиш уларнинг саломатликларини тиклашда муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши қарорига мувофиқ хар йили ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида туман, вилоят ва республика спартакиадалари ўтказиб келинмоқда.

Андижон вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг «Ижтимоий ҳимоя йиллиги» бағишланган XVI аънавий спартакиада бахсларидан ўрин олган спортнинг енгил атлетика ҳамда шашка турлари бўйича мусобақалар якунланди.

Марҳамат тумани Марказий ўйингоҳида ўтган енгил атлетика бахсларида туман босқичи қолиблари жамоавий ҳамда шахсий биринчиликлари ўзаро беллашдилар. Икки ёш тоифасида, яъни 23-35 ёш, 35дан юқори бўлган ўқитувчилар баҳсида қолиблар аниқланди. Шахсий биринчиликда Андижон шаҳар вакили Наталья Косенко шуксулага кўтарилган бўлса, кейинги ўринлар С. Ирмухамедова ҳамда жалақудуқлик Д. Қурбонваларга насиб этди. Эркаклар беллашувида В. Безянов, Б. Алику-

лов, М. Нейматовлар шуксуладан жой олдилар. Умумжамоа бахсларида шаҳар жамоаси биринчи, Марҳамат ҳамда Жалақудуқ вакиллари кейинги ўринни эгаллашди.

Шунингдек, 64 катакли шашка турини бўйича Олтинқўл туманида кечган бахслар ҳам қизиқарли рўхта ўтди. Яқаллик бахсларида Пахтаобод тумани вакилларининг қўли баланд келди. Улардан М. Каримова (аёллар), И. Каримов (эркаклар) биринчи бўлишди. Кейинги ўринлар Н. Дайдибоева (Марҳамат тумани), К. Мирзаева (Избоскан), М. Тишабаев, Р. Қўзибоеваларга насиб этди.

Мусобақада қолиб ва совриндорларга вилоят кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.

**К.АБДУРАҲМОНОВ,**  
мусобақалар бош ҳақами

## ФАСЛЛАР НАҚШИ

Баҳор эзгулик рамзи,  
Гул — гўзаллик.

Гул ўса — ер кўрки,  
Киз ўса — эл кўрки.

Винафаша ўзи жажжи-ю,  
Таровати бир жаҳон.

Нон исига тўймоқ йўқ,  
Гул ҳидидан — безмоқ.

Гул ўз ерида чиройли,  
Одам — ўз элида.

Гул орқасидан тикан  
хам сув ичар.

Гулни тикан асрайди,  
Кўзни — килрик.

Баҳор оламини гулга  
буржайди,  
Одамни — куту нурга.

Кир кўрки — лола,  
Оила кўрки — бола.

**Ақбар АЛИЕВ**  
тўлади.

## Шундай инсонлар бўладики, тиригида ўзига ҳайкал ўрнатиб кетади. У ўтгандан кейин дўстлари, маҳалла аҳли умрбод унинг яхши ишларини, ҳақиқий инсоний фазилатларини эслаб юришади. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳмон Абдуразақовдир.

Тўғри, у оламшумул кашфиётлар қилмаган, тенгсиз лойиҳалар муаллифи ҳам эмас. У оддийгина ишчи, пулат қуювчи, энг муҳими, ўз касбининг фидойиси эди.

Президентимиз қўлидан юксак мукофотни олаётган Абдураҳмон ака ўша онларда ортда қолган эллик йиллик умр йўлини бир неча сонияда сарҳисоб этган бўлса, не ажаб?! Урушдан кейинги тикланиш йиллари таваллуд топган ёш йигит ўн етти ёшидаёқ умрини она шаҳри — Бекobodдаги «Ўзбекистон Металлургия заводи» билан боғлади. Харбий хизматдан қайтганидан сўнг ҳам унинг олдида битта мақсад — жонажон қорхонасида меҳнат фаолиятини давом эттириш турарди. Ушбу қорхонада ўтган йиллар мобайнида катта ўзгаришлар юз берди, янги чехлар бунёд этилди. Оддий ишчи ўғлон Абдураҳмоннинг ҳам шахсий ҳаётида янги чизилар пайдо бўлди, ота-

## Еднома

нинг ҳиссаси катта бўлар эди. Унинг шундай инсоний фазилатларга эгалигидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳар кенгашига депутат бўлиб сайланишида маҳалладошлари биринчилардан бўлиб Абдураҳмон ақанинг номзодига овоз беришга шо-шилишарди.

Албатта, нуруний ёшга ҳавас қиламиз-у, аммо у ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Ғамхўр маҳалладошимиз Абдураҳмон ака, айни умр чўққисидида эллик уч ёшида оғир хасталиқдан сўнг бандаликни бажо келтирди. Эл ўртасида «ўлдинг-ўчдинг» деган гап бор. Аммо бу иборанинг бутун умрини халқ, ватан хизматига бахшида қилган инсонларга асло дахли йўқ, дегимиз келади.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,  
шоир, Усмон Носир номидаги муқофот совриндори  
Ринат ЯРАРОВ,  
маҳалла фуқароси